

**«Ўзэкспомарказ» Миллий кўргазма компанияси» акциядорлик жамияти акциядорларининг
навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида
ХАБАРНОМА**

Хурматли акциядорлар!

«Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ Кузатув кенгашининг 2025 йил 21 январдаги қарорига асосан Жамият акциядорларининг навбатдан умумий йиғилиши **2026 йил 17 февраль** куни, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107 уй бўйича жойлашган Жамиятнинг бош офиси биносидан ўтказилади.

Йиғилиш соат 11:00 да бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10:00 дан бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10:50 да тугатилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорлари реестри **2026 йил 11 февраль** ҳолатига тузилади.

Кун тартиби:

1. *Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш.*
2. *Жамиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини масъулияти чекланган жамиятга ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этиш.*
3. *Жамиятни қайта ташкил этиш тартиби ва шартларини тасдиқлаш.*

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 40 ва 41-моддаларига асосан, «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ акциядорлари, жамиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини масъулияти чекланган жамиятга ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорга қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олиншини талаб қилишга ҳақли эканликларини маълум қиламиз.

Акцияларни жамият томонидан қайтариб сотиб олиншини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати **2026 йил 11 февраль** ҳолатига тузилади.

Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш акцияларнинг бозор қиймати бўйича нақдсиз пул ўтказиш йўли билан (миллий валютада) амалга оширилади.

Жамият томонидан сотиб олинадиган 1 дона оддий акциянинг бозор қиймати мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланган Жамият акцияларининг бозор нархи доирасида амалга оширилади.

Акцияларни жамият томонидан қайтариб сотиб олинishi учун акциядорлар:

а) *акциядорнинг яшаш жойи (жойлашган ери), депо ҳисоб варагидан кўчирма (ёки нусхаси), сотиб олинishi талаб қилинаётган акциялар сони ва акцияларни тўлаш учун маблағлар ўтказилиши лозим бўлган банк реквизитларини кўрсатган ҳолда жамиятга ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида ёзма талаб (ариза) юбориши;*

б) *шахсан ўз паспорти ёки Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация картаси билан, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари учун эса белгиланган тартибда шахсни тасдиқловчи ҳужжат ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат билан ҳамда ушбу ҳужжатларнинг нусхаси билан келиши ёки тегишли тарзда расмийлаштирилган ишончнома асосида ваколатли вакил юбориши;*

в) *акцияларни қайтариб сотиб олиш шартномаси ушбу битимни рўйхатга олувчи инвестиция воситачиси ҳузурида имзолаши;*

с) *юримдик шахс мақомига эга бўлган жамият акциядорлари билан акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида шартнома тузиш учун ушбу юримдик шахс раҳбари ёки ваколатли вакили иштирок этиши лозим бўлади.*

Акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олинishi тўғрисидаги ёзма талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан **30 (ўттиз) кундан** кечиктирмай жамиятга тақдим этилиши керак. Мазкур муддат тугагандан сўнг, Жамият, қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни **10 (ўн) кун** ичида қайтариб сотиб олади.

Жамиятнинг ўз акцияларини сотиб олиши бўйича тузиладиган шартномалар (битимлар), қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида амалга

оширилади ва акциядорларга хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачилари томонидан рўхатдан ўтказилади. Инвестиция воситачилари хизмати хақи Жамият томонидан тўланади.

Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олишга йўналтириладиган маблағларнинг умумий суммаси акциядорларда ўзларига қарашли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган санадаги жамият соф активлари қийматининг ўн фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107 уйда жойлашган «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖнинг биносидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача танишишлари мумкин.

Электрон почта манзили: info@uzexpocentre.uz.

Телефон: (+99871) 238-56-21, (+99894) 696-14-10